



## O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 27 » iyul

№ 464

Toshkent sh.

### **Нотариат тўғрисидаги қонунчилик хужжатларига нотариуслар томонидан риоя этилиши устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

“Нотариат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ, шунингдек, нотариат тўғрисидаги қонунчилик хужжатларига нотариуслар томонидан риоя қилиниши устидан назорат фаолиятини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. “Нотариат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22<sup>8</sup>-моддасига мувофиқ нотариат тўғрисидаги қонунчилик хужжатларига нотариуслар томонидан риоя этилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари амалга ошириши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагиларни назарда тутувчи **Нотариат тўғрисидаги қонунчилик хужжатларига нотариуслар томонидан риоя этилиши устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан**:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари (кейинги ўринларда – адлия органлари) томонидан давлат нотариал идоралар нотариуслари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг нотариат тўғрисидаги қонунчилик хужжатларига риоя этилиши устидан назорат фаолиятини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби;

адлия органлари томонидан тасдиқланган йиллик (чораклик) иш режасига мувофиқ нотариуслар фаолиятини **ҳар уч йилда бир марта режали текшириш** тартиби;

адлия органлари томонидан нотариуслар фаолиятини **рейд** (ҳар йили камида бир марта), **“сирли мижоз”** ва **хизмат текшируви** (заруратга қараб) кўринишидаги **қисқа муддатли текшириш** тартиби;

адлия органлари томонидан нотариуслар фаолиятини “Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизимидағи ва адлия органида мавжуд бўлган бошқа хужжатларни мунтазам ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш орқали амалга ошириладиган **камерал текшириш** тартиби.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 2-иловага мувофик ўзгартириш ва кўшимчалар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий хужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.Қ. Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 27 июлдаги 464-сон қарорига  
1-илова

**Нотариат тўғрисидаги қонунчилик хужжатларига нотариуслар  
томонидан риоя этилиши устидан назорат қилиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари (кейинги ўринларда – адлия органи) томонидан давлат нотариал идоралари нотариуслари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар (кейинги ўринларда – нотариуслар) томонидан нотариат тўғрисидаги қонунчилик хужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш тартибини белгилайди.

Нотариат тўғрисидаги қонунчилик хужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш нотариат тўғрисидаги қонунчилик хужжатларига, шу жумладан, нотариуслар томонидан лицензия талаблари ва шартларига, нотариал ҳаракатлар махфийлигига ва нотариус қасамёдига риоя қилиниши юзасидан текширишлар ўтказиш орқали амалга оширилади.

Ушбу Низом нотариус фаолиятини бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан қонунда белгиланган тартибда ўтказиладиган назорат ҳамда текшириш тадбирларига нисбатан татбик этилмайди.

2. Нотариусларнинг нотариат тўғрисидаги қонунчилик хужжатларига риоя этиши устидан назорат қилиш нотариусларни режали текшириш, қисқа муддатли текшириш ва камерал текшириш орқали амалга оширилади.

3. Мазкур Низомда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**режали текшириш** – адлия органи томонидан тасдиқланган йиллик (чораклик) иш режасига киритилган ва ҳар уч йилда бир марта ўтказиладиган назорат шакли;

**қисқа муддатли текшириш** – нотариуслар фаолияти адлия органи томонидан рейд, “сирли мижоз” ҳамда хизмат текшируви тарзида амалга ошириладиган назорат шакли;

**камерал текшириш** – адлия органи томонидан ўзи жойлашган манзил бўйича нотариусларнинг нотариал ҳаракатларни расмийлаштиришда қонунчиликка риоя этилишини “Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизимидағи (кейинги ўринларда – Тизим) маълумотлар ҳамда адлия органида мавжуд бўлган нотариус фаолиятига оид бошқа хужжатларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш орқали амалга ошириладиган назорат шакли.

## **2-боб. Назорат тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби**

4. Назорат тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш учун қуидагилар асос бўлади:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг топшириқлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ҳамда топшириқлари;

адлия органлари йиллик (чораклик) иш режалари;

нотариусдан олинган маълумотлар таҳлили;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари;

Тизимдаги маълумотлар таҳлили;

оммавий ахборот воситаларида берилган ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида, шу жумладан ижтимоий тармоқларда жойлаштирилган (келиб тушган) қонунбузилиш ҳолатлари ҳақида ахборот берувчи хабарлар ва маълумотлар;

бошқа ташкилотлардан олинган маълумотлар.

5. Назорат тадбирлари адлия органи раҳбарининг буйруғи асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги назорат тадбирини ўтказиши ўзининг қуи турувчи таркибий бўлинмаларига юклашга ҳақли.

Назорат тадбири Ўзбекистон Республикаси Нотариал палатаси билан биргаликда ўтказилиши мумкин.

6. Назорат тадбири ўтказиш тўғрисида буйруқ қабул қилинганидан сўнг, бир иш куни ичида бу ҳақда адлия органи назорат тадбири ўтказиладиган нотариус(лар)ни ёзма ёки электрон равишда хабардор қилиши лозим, бундан рейд, “сирли мижоз” ва камерал текшириш кўринишидаги назорат тадбирларини ўтказиш ҳоллари мустасно.

Хабарнома (хат)да назорат тадбири ўтказиш учун асос, текшириладиган нотариус фамилияси, исми, отасининг исми, у фаолият юритаётган нотариал округ номи, текшириш назарда тутилган давр оралиғи, йўналиш ёки ҳолат ва уни ўтказиш муддати, ишчи гуруҳ таркиби кўрсатилиши зарур.

Хабарномага намунавий саволнома илова қилинади.

7. Ишчи гуруҳ назорат тадбирини ўтказища:

нотариал идора биносига кириш, нотариал ҳаракатларнинг махфийлиги ва қонун билан қўриқланадиган маълумотларни сир сақлаш тартибига риоя қилиш шарти билан назорат тадбирини ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва материаллар билан танишиш, Тизимдан фойдаланишга;

нотариат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан Тизимдаги маълумотларни таҳлил қилишга;

назорат тадбири ўтказиш ва таҳлил давомида аниқланган ҳолатларга аниқлик киритиш мақсадида битим, ариза ва бошқа ҳужжатлар иштирокчилари билан сұхбат ўтказишга, қонунчилик ҳужжатларининг бузилиши ҳолатлари юзасидан улардан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар талаб қилиш ва олишга ҳақлидир.

Ишчи гурух рейд ўтказилаётган вақтда юқоридагиларга қўшимча равища:

нотариус фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган зарур ҳужжатлар ва бошқа ахборотларни талаб қилиш, лозим бўлганда улардан нусхалар олиш;

рейд ўтказилаётган вақтда кузатув (видео) мосламалари ва видео тасвирга туширувчи бошқа қурилмалардан фойдаланиш;

нотариал идора биносида ўрнатилган кузатув (видео) мосламаларидағи ёзувларнинг архивини куннинг маълум бир қисми ёки аниқ бир соат бўйича кўздан кечириш ва нусха олиш ҳуқуқларига эга.

Ишчи гурух аъзолари назорат тадбири ўтказилаётган нотариусдан барча ҳужжатларни олишга ҳақли.

Ишчи гурух қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### 8. Ишчи гурух қуидагиларга мажбурдир:

назорат тадбири ўтказиш ҳуқуқини берувчи барча зарур ҳужжатлар нусхаларини назорат тадбири ўтказилаётган нотариусга тақдим этиш;

назорат тадбирини саволнома асосида олиб бориш;

назорат тадбирини тўлиқ, сифатли ва холисона ўтказиш;

назорат тадбири ўтказиш вақтини текшириш ўтказилаётган нотариус иш вақти билан мувофиқлаштириш;

назорат тадбири ўтказилаётган нотариал идора ходимларига нисбатан муомала маданиятини сақлаш, улар билан холис, принципиал ва касб этикаси талабларидан келиб чиқиб муомала қилиш;

назорат тадбири давомида ўзларига маълум бўлган хизмат ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни учинчи шахсларга ошкор этмаслик;

назорат тадбири давомида нотариусдан фойдаланиш учун олинган ҳужжатлар ва материалларни бут сақланишини ҳамда текшириш якунлангандан сўнг қайтарилишини таъминлаш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик, манфаатлар тўқнашуви, товламачилик ва шу каби бошқа салбий ҳолатларга йўл қўймаслик.

Ишчи гурух қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўз зиммасига бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

9. Ишчи гурух раҳбари назорат тадбири ўтказиши давомида қўйидаги вазифаларни бажариши шарт:

ишчи гурух аъзоларининг бир-бири билан узвий алоқадорлиги ва бирлигини таъминлаш, уларга услубий раҳбарлик қилиш;

ишчи гурух аъзолари томонидан назорат тадбири давомида мансаб суиистеъмоллигига йўл қўйилишининг олдини олиш, назорат тадбирининг холисона ўтказилишини таъминлаш;

назорат тадбири натижасини умумлаштириш, таҳлил қилиш ҳамда унинг муҳокамасини ташкил қилиш;

ишчи гурух аъзоларининг мазкур Низом талабларига қатъий риоя этишини назорат қилиш.

### **1-§. Режали текшириш ўтказиши тартиби**

10. Режали текшириш адлия органи раҳбари буйруги билан тасдиқланган йиллик (чораклик) иш режасига мувофиқ мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган намунавий шаклдаги саволнома асосида ўтказилади.

11. Режали текшириш жараёнида нотариус томонидан нотариат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига, шу жумладан, лицензия талаблари ва шартларига, нотариал ҳаракатлар махфийлигига ва нотариус қасамёдига риоя қилиниши ўрганилади.

12. Нотариуслар иш фаолиятида режали текшириш уч йилда бир марта ўтказилади.

Нотариус иш фаолиятини дастлабки текшириш у иш фаолиятини бошлаганидан бир йил ўтгандан сўнг амалга оширилади.

13. Режали текшириш муддати бир нотариус фаолиятини ўрганиш учун беш иш кунидан ошмаслиги шарт.

Текшириш ўтказиши бўйича ишчи гурух раҳбарининг асослантирилган билдиргисига мувофиқ ушбу муддат қўшимча беш иш кунига қадар адлия органи томонидан узайтирилиши мумкин.

14. Режали текшириш ўтказиши тўғрисидаги буйруқда бир нечта нотариуслар фаолиятини текшириш белгиланган бўлса, уларнинг барчасининг фаолияти тўлиқ текширилиши шарт.

Айрим сабабларга кўра, буйруқда кўрсатилган нотариус фаолиятида текшириш ўтказилмаганда, бу ҳақда алоҳида далолатнома тузилиб, текшириш устидан назорат қилувчи раҳбарга дарҳол хабар қилиниши лозим.

Бунда текшириш ўтказилмаган нотариус фаолияти текшириш ўтказилишига тўсқинлик қилувчи сабаблар бартараф этилганидан сўнг текширилади.

15. Ишчи гурух аъзоларига текшириш ўтказиши учун тегишли ҳудуд ва бинога киришга тўсқинлик қилинганда ёки тегишли ҳужжатлар тақдим этилмаганда бу ҳақда ишчи гурух томонидан текшириш ўтказиладиган нотариус иштирокида далолатнома тузилади ва улар томонидан имзоланади.

Нотариус далолатномани имзолашдан бош тортганда, бу ҳақда далолатномада қайд этилади.

16. Ишчи гурух раҳбари шу қуннинг ўзида тузилган далолатномани илова қилган ҳолда режали текширишни тайинлаган адлия органи раҳбарига билдириги тақдим этади. Адлия органи раҳбари билдириги асосида икки кун муддатда текшириш ўтказишга тўсқинлик қилган нотариус лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш масаласини кўриб чиқиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари хузуридаги малака комиссияларига (кейинги ўринларда – малака комиссияси) тақдимнома киритади.

17. Текшириш ўтказишга вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва уларнинг худудий бўлинмалари, илмий ва таълим муассасалари ҳамда бошқа ташкилотлар вакиллари мутахассис сифатида жалб қилиниши мумкин.

Мутахассис адлия органи расмий хати асосида жалб қилинади.

18. Ишчи гурух томонидан режали текшириш якуни бўйича маълумотнома тузилади.

19. Агарда текшириш давомида қонунбузилиш ҳолатлари аниқланмаса, бу ҳақда маълумотномада қайд этилади.

20. Маълумотнома икки нусхада тузилиб, уларнинг ҳар бири ишчи гурух раҳбари ва аъзолари томонидан имзоланади, текшириш ўтказилган нотариусга таништирилади ва бир нусхаси унда қолдирилади.

Маълумотномага таҳлилий маълумотлар ва тегишли нотариал ҳаракатлар нусхалари илова қилиниши мумкин.

Текшириш ўтказилган нотариус маълумотномани имзолашдан бош тортган тақдирда, бу ҳақда ишчи гурух томонидан далолатнома расмийлаштирилади ва у маълумотномага илова қилинади.

Бу ҳолатда, маълумотноманинг бир нусхаси текшириш ўтказилган нотариусга почта орқали буюртма хат билан юборилади.

Нотариус маълумотнома юзасидан фикр ва эътиrozларини ушбу маълумотномани олган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай назорат тадбирини ўтказган адлия органига ёзма шаклда тақдим этиши лозим.

21. Режали текшириш якунлари бўйича камчиликлар аниқланган тақдирда, адлия органи нотариус (лар)га тегишли чоралар кўриш учун ўн кун муддатда тегишли малака комиссиясига тақдимнома киритади.

Хизмат зарурати туфайли текшириш ҳужжатлари ва материаллари хуқуқни муҳофаза қилувчи органга юборилганда, уларнинг нусхаси олиб қолиниши ва сақланиши шарт.

## **2-§. Қисқа муддатли текшириш ўтказиш тартиби**

22. Қисқа муддатли текшириш рейд, “сирли мижоз” ва хизмат текшируви кўринишида амалга оширилади.

Қисқа муддатли текшириш якунлари бўйича камчиликлар аниқланган тақдирда, адлия органи нотариус (лар)га тегишли чоралар кўриш учун ўн кун муддатда тегишли малака комиссиясига тақдимнома киритади.

23. Рейд ўтказиш орқали текширишда адлия органи буйруғи билан тузилган ишчи гурух томонидан нотариусларнинг ўз фаолияти давомида қонунчилик ҳужжатларига, меҳнат ва ижро интизомига, Нотариусларнинг касб этикаси қоидаларига риоя этилиши тўсатдан жойига чиқсан ҳолда ўрганилади.

24. Рейд тадбири адлия органи раҳбарининг буйруғига асосан амалга оширилади.

Рейд тадбирини ўтказиш муддати бир иш куни этиб белгиланади.

25. Ҳар бир нотариуснинг фаолияти ҳисбот йили давомида камидан берилади. Рейд тадбири давомида нотариусларнинг уч кунлик амалга оширган ишлари танлов асосида ўрганилиши мумкин.

26. Нотариуслар фаолиятида ўтказиладиган рейд тадбирларига лозим бўлган тақдирда, рейд тадбирини ўтказаётган адлия органи раҳбарининг рухсати билан тегишли мутахассислар жалб этилиши мумкин.

27. Рейд тадбири мазкур Низомнинг 2-иловасида келтирилган намунаий шаклдаги саволнома асосида ўтказилади. Саволномада кўрсатиб ўтилган ҳар бир масала юзасидан аниқланган ҳолатлар рейд натижаси бўйича тузилган далолатномада акс эттирилиши лозим.

28. Нотариус фаолиятида рейд тадбирлари иш вақти давомида ўтказилади. Бунда нотариус томонидан фуқароларга хуқуқий хизмат кўрсатиш тўхтатиб қўйилмаслиги лозим.

29. Нотариус тегишли ҳужжатларни ишчи гурухга сўралган вақтда тақдим этилишини таъминлаши лозим.

30. Фаолиятида рейд ўтказилаётган нотариус қуидаги хукуқларга эга:

рейд ўтказиш тўғрисидаги буйруқ билан танишиш;

рейд натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатномага нисбатан ўзининг эътиrozларини ёзма тарзда билдириш.

Нотариус қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

31. Фаолиятида рейд ўтказилаётган нотариус қуидагиларга мажбур:

ишчи гурухга текшириш ўтказиш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш;

рейд ўтказиш билан бевосита боғлиқ бўлган зарур ҳужжатларни, кўчирма нусхаларни ва бошқа ахборотларни тақдим этиш;

ишчи гурухнинг текшириш ўтказишига тўсқинлик қилмаслик;

ишли гурух аъзосининг хизмат вазифаларини бажаришига нисбатан ҳар қандай таъсир ўтказмаслик;

қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш.

32. Рейд натижаси юзасидан текшириш ўтказилган жойнинг ўзида далолатнома расмийлаштирилади ва рейд ўтказган шахслар томонидан имзоланади ҳамда текшириш ўтказилган нотариусга таништирилади.

Нотариус далолатномани имзолашни рад этган тақдирда, у ишли гурухга асослантирилган фикр ва эътиrozлари баён этилган тушунтириш хатини тақдим этиши шарт.

Нотариус тушунтириш хати ёзищдан бош тортган тақдирда, ишли гурух томонидан бу ҳақда далолатномада тегишли ёзув қайд этилади.

33. Далолатнома икки нусхада тузилади ва бир нусхаси рейд давомида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф қилиш ҳамда уларга келгусида йўл қўймаслик чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун нотариусда қолдирилади.

34. Хизмат зарурати туфайли текшириш ҳужжатлари ва материаллари ҳукуқни муҳофаза қилувчи органга юборилганда, уларнинг нусхаси олиб қолиниши ва сақланиши шарт.

35. “Сирли мижоз” тадбири заруратга қараб адлия органи раҳбарининг буйруғига асосан мунтазам равища ўтказилади.

36. “Сирли мижоз” тадбири қуидаги ҳолларда ўтказилади:

нотариал ҳаракатларнинг сифати ва тезкорлиги адлия органида шубҳа уйғотганда, ушбу соҳада ҳукуқбузарликлар содир этилаётганлиги ҳақидаги маълумотларга аниқлик киритиш зарурати туғилганда;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳукуқий хизмат кўрсатиш жараёнидан норозилиги ҳақидаги мурожаатлари келиб тушганда.

37. “Сирли мижоз” тадбирига адлия органининг масъул ходимлари, шунингдек фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўз ихтиёрига кўра жамоатчилик асосида иштирок этишга розилик берган вакиллари жалб қилиниши мумкин.

Юридик шахс вакилининг текшириш жараёнидаги ваколати чегараси, текшириш ўтказишнинг тартиби, шартлари ва муддатлари адлия органи билан тузиладиган шартномада белгиланади.

Шартномага асосан “Сирли мижоз” тадбирини ўтказишга жалб қилинган фуқаролар ва юридик шахс вакиллари текшириш натижасида олинган маълумотларни адлия органи раҳбарининг рухсатисиз ошкор қилиши тақиқланади.

38. “Сирли мижоз” тадбирини ўтказиш учун бир иш куни, давомли нотариал ҳаракатлар учун – ушбу ҳаракатнинг охирги кунига қадар муддат белгиланади.

39. “Сирли мижоз” сифатида жалб қилинган фуқаро ёки юридик шахс вакили ҳуқуқий хизмат кўрсатилишини сўраб нотариусга мурожаат қиласди.

“Сирли мижоз”нинг вазифаси нотариал идорага фуқаро (мижоз) сифатида бориш, ўзига маълум бир хизматни кўрсатилишини сўраш, тегишли хизмат кўрсатилишидан олдин имкон даражасида идора иш фаолиятини кузатиш ҳисобланади.

“Сирли мижоз” тадбирини ўтказиш давомида:

бино атрофи ва хоналарнинг тозалиги;

хизмат кўрсатиш сифати ва тезкорлиги;

хизмат кўрсатиш вақтида муомала ва кийиниш маданиятига риоя этилиши;

Нотариусларнинг касб этикаси қоидаларига амал қилиниши;

стресс вазиятларда ходимларнинг фуқаролар билан қандай муносабатда бўлиши;

нотариуснинг билим даражаси;

нотариуснинг коррупцион ҳолатларига мойиллиги;

нотариус томонидан хизмат кўрсатиш жараёнида қонунчилик ҳужжатларига лозим даражада риоя этилмаётганлиги (масалан, хизмат кўрсатилиши учун ортиқча ҳужжатлар сўраши ёки аксинча зарур бўлган ҳужжатларни талаб қилмаслиги) ҳолатлари ўрганилади.

40. “Сирли мижоз” тадбирини ўтказишида яширин диктофон ёки видео кузатув мосламаларидан фойдаланилиши мумкин.

Ушбу мосламалар ёрдамида ёзиб олинган маълумотлар адлия органи томонидан тўлиқ қабул қилиб олиниди ва улардан мазкур Низомда кўрсатилган ҳоллардан ташқари бошқа мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

41. “Сирли мижоз” тадбирини ўтказиш жараёнида нотариусни ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш ва ундаш, шу жумладан низоли, баҳсли ҳолатларни ва камчиликларни сунъий равищда келтириб чиқариш тақиқланади.

42. “Сирли мижоз” тадбири якунлари бўйича уни ўтказган тегишли адлия органи томонидан маълумотнома тузилади.

“Сирли мижоз” тадбирини ўтказиш жараёнида нотариус томонидан ортиқча пул маблағлари ундирилганлиги ёки коррупция ҳолатларига йўл қўйганлиги ҳолатлари аниқланган тақдирда, ҳолат юзасидан хизмат текшируви ўтказилади ва унинг натижасига кўра ҳужжатлар тегишлилигига кўра малака комиссиясига (тақдимнома орқали) ва (ёки) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилади.

43. Хизмат текшируви жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўрганиш, оммавий ахборот воситаларида нотариуснинг

хатти-ҳаракатлари юзасидан чоп этилган танқидий материалларда баён этилган ҳолатларга аниқлик киритиш, Тизимдаги маълумотларни таҳлил қилиш, рейд, “Сирли мижоз” тадбирлари ва камерал текширишлар натижасида аниқланган ҳолатларни текшириш мақсадида ўтказилади.

44. Хизмат текшируви адлия органи раҳбарининг буйруғи асосида беш иш куни давомида ўтказилади. Адлия органи раҳбарининг буйруғи асосида мазкур муддат кўшимча беш иш кунига қадар узайтирилиши мумкин.

45. Агар хизмат текшируви ўтказиш тўғрисидаги буйруқ билан нотариус лицензиясининг амал қилиши ўн кундан қўп бўлмаган муддатга тўхтатиб турилиши назарда тутилган бўлса, нотариуснинг Тизимдан фойдаланишини дарҳол чеклаш учун ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва “Адлия органлари ва муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” давлат муассасасига юборилади.

46. Хизмат текшируви давомида нотариус томонидан содир этилган ножӯя хатти-ҳаракатнинг ҳолати, сабаблари ва шароитлари, ножӯя хатти-ҳаракат содир этилишига алоқадор бўлган аниқ бир ходим ва шахсларнинг айбордorлик даражаси аниқланади.

47. Ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган нотариус текширув бошланишидан олдин буйруқ билан таништирилиши шарт.

48. Нотариусга нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётганда, хизмат текшируви ўтказилаётган ҳолат юзасидан ундан ёзма тушунтириш талаб қилинади.

Нотариус ёзма тушунтириш беришдан бош тортган ҳолларда ишчи гуруҳ томонидан тегишли далолатнома тузилади.

Далолатнома ишчи гуруҳ аъзолари ёки тушунтириш беришдан бош тортганлигини тасдиқлайдиган бошқа ходимлар томонидан имзоланади. Нотариуснинг тушунтириш беришдан бош тортиши хизмат текширувини ўтказишга тўсқинлик қилмайди.

49. Ишчи гуруҳ аъзолари нотариал идоранинг бошқа ходимларидан ҳам тушунтишлар талаб қилишга ҳақли.

50. Хизмат текшируви ўтказиш жараёнида ишчи гуруҳ қуидагиларни аниқлайди:

нотариус томонидан ножӯя хатти-ҳаракат содир этилган ёки содир этилмаганлиги фактини тасдиқловчи ҳолатларни;

нотариус томонидан айнан қайси норматив-хуқуқий ҳужжат талаблари бузилганлигини.

51. Ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган нотариус:

содир этилган хатти-ҳаракат юзасидан ўз фикрини баён қилиш орқали ёзма тушунтишлар бериш, ўз тушунтиришининг моҳияти бўйича далилларни тақдим қилиш;

хизмат текшируви якуни бўйича уни ўтказиш ҳужжатлари, шунингдек хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги маълумотнома ёки хulosса билан танишишга ҳақли.

52. Ишчи гурӯҳ томонидан хизмат текшируви якуни бўйича адлия органи раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан тасдиқланадиган маълумотнома ёхуд хulosса тузилади. Ушбу маълумотнома ёки хulosса бир нусхада расмийлаштирилади.

53. Хизмат текшируви маълумотномаси ёки хulosаси нотариусга таниширилиши шарт.

Нотариус хизмат текшируви маълумотномаси ёки хulosаси билан танишишдан бош тортса, бу ҳақида далолатнома тузилади.

54. Хизмат текшируви натижасида ножӯя хатти-ҳаракат факти аниқланган тақдирда, адлия органи томонидан хизмат текшируви маълумотномаси ёки хulosаси ва тўпланган ҳужжатлар тегишлилигига кўра малака комиссиясига ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилади.

### **3-§. Камерал текшириш ўтказиш тартиби**

55. Камерал текшириш адлия органи томонидан ўзи жойлашган манзил бўйича нотариуснинг нотариал ҳаракатларни расмийлаштиришда қонунчиликка риоя этилишини Тизимдаги маълумотлар, нотариус томонидан тақдим этилган ҳисоботлар ҳамда адлия органида мавжуд бўлган нотариус фаолиятига оид бошқа ҳужжатларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш орқали амалга оширилади.

56. Камерал текшириш учун адлия органи раҳбарининг буйруғи чиқарилади ва бу ҳақида нотариус(лар) хабардор қилинмайди.

57. Камерал текшириш мазкур Низомнинг 3-иловасида келтирилган намунавий шаклдаги саволнома асосида ўтказилади.

58. Камерал текшириш мунтазам равишда ўтказилади.

59. Камерал текшириш адлия органининг масъул таркибий бўлинмаси томонидан нотариуснинг хузурига бормасдан адлия органи жойлашган ерда амалга оширилади.

Камерал текшириш жараёнида адлия органи томонидан ўрганиш, таҳлил қилиш ёки умумлаштириш мақсадида нотариус томонидан расмийлаштирилган бир ёки бир нечта нотариал ҳаракатлар ёхуд маълум бир турдаги нотариал ҳаракатлар билан боғлиқ ҳужжатларни идорага чақириб олишга йўл қўйилмайди.

60. Агар адлия органи томонидан камерал текшириш жараёнида нотариуснинг Тизимга киритилган маълумотлари ҳамда тегишли ҳисоботларини тўлдиришда хатоликларга йўл қўйилганлиги ёки тақдим этилган ҳисоботларида кўрсатилган ва адлия органидаги мавжуд маълумотлар ўртасида тафовут мавжудлиги аниқланса, бу ҳақида бир иш куни ичida нотариусга тегишли тузатишлар киритиш талаб қилинган ҳолда ёзма шаклда талабнома юборилади.

Тузатишлар киритиш ҳақидаги талабнома поча орқали буюртма хат билан ёки электрон поча орқали юборилади.

Талабнома олинган кундан эътиборан ўн кун муддатда нотариус талабномада кўрсатилган хато ва камчиликларни, шунингдек қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш чораларини кўриб, бу ҳақида талабнома киритган адлия органига тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда жавоб хати тақдим этиши шарт.

Нотариус томонидан талабномада кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганлигини асословчи ҳужжатлар белгиланган муддатда тақдим этилмаган тақдирда, адлия органи талабномада кўрсатилган ҳолатларни ўрганиш мақсадида қисқа муддатли текшириш тайинлайди.

Камерал текшириш жараёнида нотариус фаолиятида қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган тақдирда адлия органи қисқа муддатли текшириш тайинлаши мумкин.

61. Камерал текшириш натижаси бўйича адлия органи томонидан маълумотнома тузилади.

62. Тизимдаги маълумотларни таҳлил қилиш адлия органи томонидан Тизимдаги маълумотларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш орқали амалга оширилади.

63. Тизимдаги маълумотларни таҳлил қилиш мазкур Низомнинг 3-иловасида келтирилган намунавий шаклдаги саволнома асосида ўтказилади.

64. Тизимдаги маълумотларни таҳлил қилиш учун адлия органи раҳбарининг буйруғи талаб этилмайди. Тизимдаги маълумотларни таҳлил қилиш мунтазам равишда амалга ошириб борилади.

Тизимдаги маълумотларни таҳлил қилиш натижаси бўйича таҳлилий маълумотнома тузилади.

65. Тизимдаги маълумотларни таҳлил қилиш жараёнида аниқланган хато ва камчиликлар бўйича уларни бартараф қилиш ҳамда келгусида йўл қўймаслик мақсадида адлия органи томонидан нотариусларга кўрсатмалар, огоҳномалар ёки тақдимномалар юборилади.

Тизимдаги маълумотларни таҳлил қилиш жараёнида нотариус фаолиятида қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган тақдирда адлия органи қисқа муддатли текшириш ёки камерал текшириш тайинлаши мумкин.

### **3-боб. Якунловчи қоидалар**

66. Текшириш натижасидан норози бўлган нотариус адлия органининг юқори турувчи ташкилотига ёки судга шикоят қилишга ҳақли.

67. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Нотариат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига  
нотариуслар томонидан риоя этилиши устидан назорат  
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-илова

**Нотариус иш фаолиятида режали текшириш  
ўтказишда ўрганиладиган масалалар юзасидан  
НАМУНАВИЙ САВОЛНОМА**

T/p	Ўрганиладиган масала
1.	Лицензия талаб ва шартларига риоя этилиши (хусусий нотариуслар учун)
2.	Бинонинг нотариус фаолиятини ташкил этишга оид минимал талабларга мувофиқлиги
3.	Меҳнат ва ижро интизомига риоя этилиши, нотариал идорада пешлавҳаларнинг мавжудлиги
4.	Номенклатураларнинг юритилганлиги
5.	Йиғмажилларнинг тикилиши ҳолати
6.	Нотариал идорага келиб тушган топшириқлар ижроси ҳолати
7.	Архив ҳужжатларининг сақланиши
8.	“Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизимини юритиш
9.	Кўчмас мулкни тасарруф этиш билан боғлиқ шартномаларнинг расмийлаштирилиши
10.	Уй-жой ижара шартномаларининг расмийлаштирилиши
11.	Кўчмас мулклар бўйича ишончномаларнинг расмийлаштирилиши
12.	Транспорт воситасини тасарруф этиш ҳақидаги шартномаларнинг расмийлаштирилиши
13.	Транспорт воситаси ижара шартномаларининг расмийлаштирилиши
14.	Транспорт воситаси бўйича ишончномаларнинг расмийлаштирилиши
15.	Бошқа шартномаларнинг (кафиллик, қарз ва б.) расмийлаштирилиши
16.	Гаров ва ипотека шартномаларининг расмийлаштирилиши
17.	Мерос ишларининг расмийлаштирилиши
18.	Васиятномаларнинг расмийлаштирилиши
19.	“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларининг микдорлари талабларига тўлиқ риоя қилиниши ҳолати
20.	Гербли (маҳсус) бланкаларни ҳисобга олиш, сақлаш ва сарфлаш ҳолати

**Изоҳ. Ушибу намунавий саволномага адлия органи томонидан заруратга кўра,  
қўшимча саволлар киритилиши мумкин.**

Нотариат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига  
нотариуслар томонидан риоя этилиши устидан назорат  
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-илова

**Нотариус фаолиятини қисқа муддатли текшириш юзасидан  
НАМУНАВИЙ САВОЛНОМА**

T/p	Ўрганиладиган масала
1.	Конун ҳужжатларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг соҳага оид ҳужжатлари ва топшириқ хатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда таъминланиши
2.	Ишга узрли сабабларсиз келмаслик ёки кечикиб келиш
3.	Ишга алкоголь ичимликлар, гиёхвандлик ёки токсик моддалар таъсиридан мастилик ҳолатида келиш
4.	Нотариус томонидан мансаб (хизмат) вазифасини (ваколатини) сувиштеъмол қилиниши (лавозими бўйича берилган ваколатлардан хизмат манфаатларига зид равишда фойдаланиш) ва ғайриахлоқий қўринищдаги, маънавий номуносиб бўлган хатти-ҳаракатларни содир этилиши
5.	Хизмат сирлари бўлган маълумотларни ошкор қилиш
6.	Ходимлар ўзининг ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғдирадиган тарзда техника хавфсизлиги, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини қўйпол равишда бузиши
7.	Идорада иш юритиши ташкил қилиш ва ижро интизомини назорат қилиш бўйича норматив-хукуқий ҳужжатлар, вазирлик кўрсатмаларининг мавжудлигини ва уларга риоя этилиш аҳволини ўрганиш
8.	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича қонун ҳужжатлари ва ички ҳужжатларнинг мавжудлиги ҳамда уларга риоя этилиши
9.	Нотариус фаолиятини ташкил этиш учун минимал талабларнинг мавжудлиги
10.	Нотариусларнинг касб этика қоидаларига риоя этилиши
11.	Хизмат вазифаларини амалга ошириш жараёнида у ёки бу ҳаракати ёхуд ҳаракатсизлиги учун пул, моддий қимматликлар, қимматбаҳо буюмлар ва хизматлар кўринишида ҳақ олмаслик
12.	Нотариал ҳаракатларни амалга оширишнинг қонунийлиги
13.	Гербли бланкаларни хисобга олиш, сақлаш, сарфлашнинг кунлик ижроси
14.	Нотариус томонидан нотариал ҳаракатларнинг “Нотариат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг нотариуслар томонидан айрим нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маъмурий регламентларни тасдиқлаш ҳақидаги тегишли қарорлари ҳамда нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги бошқа идоравий норматив-хукуқий ҳужжатлар талаблари асосида расмийлаштирилганлиги, улар бўйича давлат божини ундиришнинг кунлик амалиёти, жисмоний ва юридик шахслардан талаб қилинадиган ҳужжатларнинг асослилиги

**Изоҳ. Ушбу намунавий саволномага адлия органи томонидан заруратга кўра, қўйшиимча саволлар киритилиши мумкин.**

Нотариат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига  
нотариуслар томонидан риоя этилиши устидан назорат  
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга  
3-илова

**Нотариус фаолиятида камерал текшириш ва Тизимдаги  
маълумотларни тахлил қилиш юзасидан  
НАМУНАВИЙ САВОЛНОМА**

Т/р	Ўрганиладиган масала	Муддат
1.	Битимларни тасдиқлашда тарафларнинг бармоқ излари сканер қилинган вақт тафовути (10 минутдан ортиқ бўлган ҳолатлар)	ҳар ойда
2.	Нотариал ҳаракатни расмийлаштириш якунлангандан кейин бармоқ излари сканер қилинган ёки бармоқ изи ўзгартирилган ҳолатлар	ҳар ойда
3.	Нотариал ҳаракатларга оид маълумотлар Тизимга аниқ ва тўлиқ киритилмаган ҳолатлар	ҳар ойда
4.	Нотариал ҳаракатлар тасдиқлангандан кейин Тизимдаги маълумотларга ўзбошимчалик билан ўзгартириш (тузатиш) киритилган ҳолатлар	ҳар ойда
5.	Тўловлар бўйича инвойс шакллантирилганда SMS хабар юборилган телефон рақами ўзгартирилган ҳолатлар	ҳар ойда
6.	Тўловлар тўғрисида SMS хабар такрорланувчи телефон рақамларга юборилган ҳолатлар	ҳар ойда
7.	Битимни расмийлаштиришда нотариал тасдиқланган ишончномага асосан вакил иштирок қилган ҳолларда ишончнома бекор бўлганлиги ёки бўлмаганлиги Тизим орқали текширилмаган ёки нотўғри текширилган ҳолатлар	ҳар ойда
8.	Юридик шахслар иштироқидаги нотариал ҳаракатларни расмийлаштиришда нотариал ҳаракатда иштирок этиш уларнинг таъсис хужжатларига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги Тизим орқали текширилмаган ёхуд нотўғри текширилган ҳолатлар	ҳар ойда
9.	Нотариал ҳаракатни расмийлаштиришни рад этиш ҳақидаги маълумот Тизимга киритилмаган ёки нотўғри киритилган ҳолатлар	ҳар ойда
10.	Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган мол-мулк билан боғлиқ битимларни тасдиқлашда мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ва (ёки) хатланмаганлиги Тизим орқали текширилмаган ёки нотўғри текширилган ҳолатлар	ҳар ойда
11.	Битим бекор қилинганлиги тўғрисида Тизимга маълумот киритилмаган ҳолатлар	ҳар ойда
12.	Васиятноманинг ўзгартирилганлиги ёки бекор қилинганлиги тўғрисида Тизимга маълумот киритилмаган ҳолатлар	ҳар ойда
13.	Тизим орқали мерос қолдирувчининг мол-мулкига нисбатан мерос иши очилган ёки очилмаганлиги текширилганлик ҳолатлари	ҳар ойда
14.	Гаров ёки ипотека шартномалари бўйича мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаш ҳақидаги маълумотлар Тизимга киритилмаган ҳолатлар	ҳар ойда
15.	Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида доимий пропискаси мавжуд бўлмаган Ўзбекистонда доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида жойлашган кўчмас мулкни олиш битимларини тасдиқлаганлик ҳолатлари	ҳар ойда

16.	Кўчмас мулк обьектига бўлган ҳукуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ваколатли органга Тизим орқали битим нусхасини бир кун муддатда тақдим этилмаган ҳолатлар	ҳар ойда
17.	Автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш ҳақида тасдиқланган шартномалар ҳақидаги маълумотлар Ички ишлар вазирлигининг давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (ДИҲХХ) органларида ҳисобга қўйиш учун Тизим орқали юборилмаган ҳолатлар	ҳар ойда
18.	Нотариал ҳаракатни расмийлаштириш учун вақт сарфи ҳақидаги таҳлилий маълумот	ҳар ойда
19.	Кўчмас мулк бошқа шахсга ўтказилаётганда коммунал хизматлар бўйича қарздорликлар – коммунал хизмат қўрсатувчи ташкилотлар, ижро ҳужжатлари бўйича қарздорликлар – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Мажбурий ижро бюроси ахборот тизимлари орқали онлайн режимда текширилмаганлик ҳолатлари	ҳар ойда
20.	Солик тўлови ва коммунал хизматлар (газ таъминоти, совуқ сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариш, иссиқлик таъминоти (марказий иситиш ва иссиқ сув таъминоти) бўйича хизматлар) ва электр энергияси учун тўланадиган мажбурий тўловлар бўйича қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномаларнинг Тизим орқали олинмаган ҳолатлар	ҳар ойда
21.	Нотариал ҳаракатлар учун белгиланган суммадан ортиқча миқдорда тўлов ундирилган ҳолатлар	ҳар ойда
22.	Нотариусларнинг нотариал ҳаракат турлари бўйича расмийлаштирган ҳаракат сони таҳлили	ҳар ойда
23.	Нотариал ҳаракатларни расмийлаштириш учун мурожаат этувчиларнинг электрон навбатига риоя этилмаганлик ҳолатлари	ҳар ойда
24.	Кўчмас мулк ва мерос ишлари бўйича нотариал ҳаракатнинг сканер нусхаси Тизимга бириктирилмаган ҳолатлар	ҳар ойда
25.	Кўчмас мулк ҳукукини вужудга келишини назарда тутувчи битимларни рақамли кўринишда ягона электрон нотариал архив фондига бириктирилмаган ҳолатлар	ҳар ойда

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 27 июлдаги 464-сон қарорига  
2-илова

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартағи 38-сон қарори билан тасдиқланган Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“енгил автомобилларни, мототранспорт воситаларини ижарага бериш хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар ҳамда жисмоний шахслар ўртасида енгил автомобилларни ва мототранспорт воситаларини, шунингдек каршеринг ташкилотлари йўловчилар автотранспорти ва мототранспорт воситаларини жисмоний ва юридик шахсларга ўттиз кунгача муддатга қисқа муддатли ижарага бериш юзасидан оддий ёзма шартномалар тузиш ҳолларига”;

б) 5-банддан иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

в) 7-банднинг иккинчи хатбошидаги “автомототранспорт воситаси рўйхатга олинган жойдаги ёки битим содир этилган (сотиб олувчининг танловига кўра) жойдаги” сўzlари “экстерриториаллик тамойили асосида исталган жойдаги” сўzlари билан алмаштирилсин.

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг “Нотариус томонидан ўз касб мажбуриятлари бузилиши оқибатида етказилган заарни қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2010 йил 10 декабрдаги 318-сон қарорида:

а) қарор номидаги ва 1-банддаги “Нотариус” сўзи “Давлат нотариуси” сўzlари билан алмаштирилсин;

б) илова (Нотариус томонидан ўз касб мажбуриятлари бузилиши оқибатида етказилган заарни қоплаш тартиби тўғрисидаги низом)да:

номидаги “Нотариус” сўзи “Давлат нотариуси” сўzlари билан алмаштирилсин;

1-банддаги “нотариус” сўзи “давлат нотариуси (кейинги ўринларда нотариус деб аталади)” сўzlари билан алмаштирилсин.

**3.** Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги 106-сон қарори билан тасдиқланган Кўчмас мулкнинг олди-сотди, айирбошлиш ва ҳадя қилиш битимларини идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда нотариал тасдиқлаш тартиби тўғрисида низомнинг 5-банди иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Бунда коммунал хизматлар бўйича қарздорликлар ҳақида маълумотлар коммунал ташкилотлар ахборот тизимлари орқали ва ижро

хужжатлари бўйича қарздорлик мавжудлиги тўғрисида маълумотлар Мажбурий ижро бюроси ахборот тизими орқали онлайн режимда текширилади. Электрон тизимларда техник носозликлар бўлганда, ушбу ташкилотлар билан ахборот алмашуви курьерлик хизмати орқали амалга оширилади”.

**4.** Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 августдаги 683-сон қарори билан тасдиқланган Автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 14-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Автотранспорт воситасини 18 ёшга тўлмаган жисмоний шахс номига, мототранспорт воситасини эса 16 ёшга тўлмаган жисмоний шахс номига давлат рўйхатидан ўтказища, уларнинг номидан қонуний вакиллари (ота-оналари, фарзандликка олувчилари, васий ёки ҳомийлари) иштирок этади”;

б) 24-банднинг учинчи хатбошидаги “ўгай ота-она” сўzlари “фарзандликка олувчилар” сўzlари билан алмаштирилсин;

в) 45-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Автомототранспорт воситаларини бегоналаштириш билан боғлиқ бўлмаган битишувларни хисобга олиш юридик шахслар томонидан ўз ходимларига берилган автомототранспорт воситаларидан фойдаланиш ва (ёки) уларни тасарруф этиш хуқуқига ишончномаларга ҳамда енгил автомобилларни ва мототранспорт воситаларини ижарага бериш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар ҳамда жисмоний шахслар ўртасида енгил автомобилларни ва мототранспорт воситаларини, шунингдек каршеринг ташкилотларининг йўловчилар автотранспорти ва мототранспорт воситаларини жисмоний ва юридик шахсларга ўтгиз кунгача муддатга қисқа муддатли ижарага бериш юзасидан оддий ёзма шаклда тузиладиган ижара шартномаларига нисбатан қўлланилмайди”.

**5.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 февралдаги 134-сон қарори билан тасдиқланган Идоравий нотариал архивлар томонидан архив хужжатларини бериш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламентида:

а) 1 ва 2-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Мазкур Регламент жисмоний шахсларга (кейинги ўринларда ариза берувчилар деб аталади) нотариал расмийлаштирилган ҳужжатларнинг дубликати, нотариал ҳаракатларни рўйхатга олиш реестр китобидан кўчирма, архив хужжатларидан нусхалар, мол-мулкка нисбатан тақиқ (хатлов) мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотномалар ва архив маълумотларини бериш бўйича давлат хизмати (кейинги ўринларда давлат хизмати деб аталади) кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Давлат хизмати Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги

ўринларда ЯИДХП деб аталади) орқали Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари хузуридаги идоравий нотариал архивлар (кейинги ўринларда ваколатли орган деб аталади) томонидан кўрсатилади”;

б) 5 ва 6-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Ариза берувчи давлат хизмати олиш учун Давлат хизматлари марказига келган ҳолда мурожаат этади ёки электрон тарзда давлат хизматларидан фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади.

6. Давлат хизматлари маркази ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат қилинган тақдирда эса ариза берувчи давлат хизматлари олиш учун сўровномани электрон тарзда мустақил равишда, платформада жойлаштирилган маълумотдан фойдаланган ҳолда ушбу Регламентга 2-иловада келтирилган сўровномага мувофиқ шакл бўйича тўлдиради”;

в) 7-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ариза берувчи томонидан ЯИДХП орқали мурожаат қилинган тақдирда ҳужжатларнинг асли талаб этилмайди. Бунда ушбу маълумотлар идоравий нотариал архив ходимлари томонидан сўров юбориш ва идоралараро электрон ҳамкорлик орқали текширилади”;

г) 11-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда сўровнома автоматик равишда ваколатли органга юборилади”;

д) 12-банднинг “в” кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“в) архив ҳужжатларидан нусхалар, шунингдек мол-мулкка нисбатан тақиқ (хатлов) мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотномалар – сўровнома келиб тушгандан сўнг 2 иш куни мобайнида”;

е) 13-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда хабарнома ариза берувчининг электрон почта манзилига юборилади”;

ж) 15-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“15. Тўлов суммаси қўйидаги тартибда тақсимланади:

а) давлат хизматлари марказлари орқали мурожаат этганда:

20 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисоб рақамига ўтказилади;

қолган маблағлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тақсимланади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

8,75 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий хисоб рақамига ўтказилади;

11,25 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг маҳсус хисоб рақамига ўтказилади;

колган маблағлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тақсимланади”;

3) 17-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда архив ҳужжати электрон шаклда ваколатли шахснинг ЭРИси билан тасдиқланган ҳолда ариза берувчининг электрон почтасига юборилади. Нотариал тасдиқланган ҳужжатларнинг дубликатлари ариза берувчининг талабига кўра қоғоз шаклда ваколатли орган томонидан тасдиқланган ҳолда куръерлик хизмати орқали юборилиши мумкин”;

и) 1-иловада:

1-босқич позицияси “Тадбирлар” устунидаги “мурожаат қилиш” сўзларидан кейин “ёки ЯИДХПда рўйхатдан ўтиш” сўзлари билан тўлдирилсин;

2-босқич позицияси “Субъектлар” устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Давлат хизматлари маркази

2. ЯИДХП”;

3-босқич позицияси “Тадбирлар” устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Архив ҳужжатини расмийлаштириш, уни ўзининг ЭРИси билан тасдиқлаш ва мурожаатни қабул қилиш манбасидан келиб чиқиб, тегишлилиги бўйича Давлат хизматлари марказига ёки ЯИДХП орқали ариза берувчига юбориш”.

**6.** Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 205-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 7-сон, 76-модда) Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидалари қуйидаги мазмундаги 6<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

“6<sup>1</sup>. Сайловчилар билан учрашувлар каби оммавий тадбирлар уларнинг ўтказилиш жойи ва вақти ҳақида сайловолди ташвиқотини олиб борувчи субъект томонидан тегишли туман (шаҳар) ҳокимликларини камида уч кун олдин ёзма равишда хабардор қилган ҳолда ўтказилади. Бунда, ушбу оммавий тадбирларни ўтказиш учун рухсатнома талаб қилинмайди”.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Нодавлат нотариал фаолиятни тартибга соловчи норматив-хуқукий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 16 мартағи 156-сон қарорида:

а) 1-иловада:

12-банднинг иккинчи хатбошидаги “ёрдамчисини” сўзи “стажёрини” сўзи билан алмаштирилсин;

17-банднинг учинчи хатбошиси “мажбурий” сўзидан кейин “тўлиқ” сўзи билан тўлдирилсин;

20-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Шахсий ғазна ҳисобваракларига кирим қилинган давлат божининг нотариусларга йўналтириладиган қисми Молия вазирлиги Газначилигининг тегишли электрон тақсимлаш тўлов тизими орқали тақсимланади”;

28-банднинг биринчи хатбошидаги “ҳамда” сўзи “ва (ёки)” сўзлари билан алмаштирилсин.

31-банднинг ўн биринчи хатбошидаги “ва” сўзи “ва (ёки)” сўзлари билан алмаштирилсин;

33-банддаги “комплекс, мақсадли ёки назорат текширувлари” сўзлари “текширишлар” сўзи билан алмаштирилсин;

37-банддаги “одоб-ахлок” сўзлари “касб этикаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

43-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“43. Нотариуснинг фаолиятини текширишга Нотариал палата ходими ёки унинг бошқарув аъзоларидан бири ёхуд нотариуслар жалб қилиниши мумкин”;

45-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“45. Нотариус лицензиясининг амал қилиши тўхтатиб турилганда ёки тугатилганда ёхуд бошқа узрли сабабларга (нотариус меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик, туғиш ва (ёки) бола парваришилаш таътилларига чикқанда, ишдан ажralган ҳолда малака оширишга юборилганда ва бошқа ҳолларда) кўра адлия бошқармалари Нотариал палатанинг ҳудудий бошқармалари билан келишган ҳолда ушбу нотариуснинг тугалланмаган нотариал ҳаракатларини амалга ошириш ҳамда аҳолига нотариал хизматлар кўрсатиш учун бошқа нотариусга ваколат беради ва бу ҳақда тегишли буйруқ расмийлаштирилади”;

б) 2-илованинг 19-бандида:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“талабгорда Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганда”;

бешинчи—олтинчи хатбошилар тегишлича олтинчи—еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансан.

в) 4-илованинг 4-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4. Ҳар бир округдаги хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар сони ушбу нотариал округдаги нотариуслар лавозимлари энг кам сонининг уч бараваридан ошмаслиги лозим”.

**8.** Вазирлар Махкамасининг “Нотариуслар томонидан айрим нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маъмурий регламентларни тасдиқлаш ҳақида” 2020 йил 18 ноябрдаги 726-сон қарорида:

а) 1-иловада:

12-банд қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“12. Нотариус битимни расмийлаштиришни сўраб мурожаат қилувчиларнинг (уларнинг қонуний вакилларининг, шунингдек васий ва ҳомийларининг) ва юридик шахс вакилларининг шахсини аниқлайди.

Битимни амалга оширишни сўраб мурожаат қилувчиларнинг шахси қуидаги ҳужжатларга асосан аниқланади:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти, ҳайдовчилик гувоҳномаси, ID-картаси;

16 ёшга тўлмаган фуқаролар – туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;

ҳарбий хизматчилар – ҳарбий қисмлар ва ҳарбий муассасалар қўмондонлиги томонидан бериладиган шахсий гувоҳномалар ёки ҳарбий билетлар ёхуд ID-карталар (ҳарбий хизматта мажбур фуқароларнинг ҳарбий билети бундан мустасно);

чет эл фуқаролари – уларнинг миллий паспорти (қонун ҳужжатларига мувофиқ чет эл фуқаролари тегишли ички ишлар органлари томонидан рўйхатга олиниши лозим) ёки Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси, ID-картаси ёхуд дипломатик паспорти ёки Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинганлигини тасдиқловчи аккредитация карточкаси;

хорижда доимий яшаётган ва консуллик рўйхатида турган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспорти;

фуқаролиги бўлмаган шахслар учун – Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёки ID-карта.

Битимни расмийлаштиришни сўраб мурожаат қилган фуқаронинг шахсини ҳамда юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқатини аниқлашда нотариус тегишли ахборот ресурсларидан фойдаланади”;

16-банднинг иккинчи хатбоиси қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“Вакилнинг ваколати унинг номига берилган ишончнома ва (ёки) ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар (қарор, умумий мажлис баённомаси, кузатув кенгашининг қарори, буйруқ ва х.к.) билан тасдиқланади. Бунда, ваколат берувчи жисмоний шахсларнинг ўлим ҳақида далолатнома ёзуви қайд

етилмаганлиги “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали текширилиб, Тизим орқали чоп этилади ва хужжатлар йиғмажилдига тикилади”.

21-банднинг еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Мазкур банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида келтирилган хужжатлардаги маълумотлар билан ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри соҳасидаги ваколатли органнинг ер участкасининг майдони ёки кўчмас мулк ёхуд унинг бир қисми микдори тўғрисидаги маълумотлари ўртасида фарқ мавжуд бўлса, кўчмас мулк ёки унинг бир қисмiga хукуқ белгиловчи хужжатларга нотариус бошқа шахсга ўтказилган қисми ҳақида белги қўяди, шунингдек ўз имзоси ва муҳрини қўйиб, нусхасини олиб қолади”;

22-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“МИБ маълумотлар базаси орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг ижро хужжатлари бўйича қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномалар. Бунда текшириш ўтказилган сана ва вақти кўрсатилган ҳамда маҳсус QR-кодга эга бўлган текшириш натижалари тўғрисидаги кўчирма чоп этилади ва тегишли хужжатлар йиғмажилди билан бирга тикилади”;

23-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Кадастр маълумотномасида кўрсатилган ер участкасининг ёки кўчмас мулкнинг ёхуд унинг бир қисмининг ҳақиқий майдони мулкка бўлган хукуқни тасдиқловчи хужжатда кўрсатилганидан кўп бўлса, шунингдек кўчмас мулкнинг ёки унинг бир қисмининг мулкдори устки қават қурган, қўшимча иморат қурган ёки яшаш хонаси бўлмаган қисмини қайта таъмирлаб, яшаш хонасига ўзгартирган бўлса ёки бошқача тарзда ўзгартирган бўлса, нотариус туман (шаҳар) ҳокимининг бу ўзгаришлар тўғрисида қарори ва уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги комиссия далолатномасини тасдиқлаш ҳақидаги қарорини ва (ёки) туман (шаҳар) курилиш бўлимининг курилиши (реконструкцияси) тугалланган бинолар ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш далолатномасини тақдим этишини талаб қиласди”;

36-бандда:

қуйидаги мазмундаги учинчи–бешинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Битим тарафларининг ўлим ҳақида далолатнома ёзуви қайд этилмаганлиги, эри ёки хотини йўқлиги ҳақидаги маълумотлар, туғилганлик, никоҳ тузилганлиги, никоҳдан ажралганлик ва ўлим ҳақидаги фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари билан боғлиқ барча маълумотлар нотариал идоралар томонидан мустақил равишда, фуқаролардан ортиқча маълумот талаб қилмасдан, “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали олинади.

Электрон тизимларда техник носозликлар бўлганда, ушбу ташкилотлар билан ахборот алмашуви куръерлик хизмати орқали амалга оширилади.

Агар мурожаат қилувчи томонидан туғилганлик, никоҳ тузилганлиги, никоҳдан ажралганлик ва ўлим ҳақидағи гувоҳномалар тақдим этилса, ушбу хужжатлар ҳам мурожаат қилувчининг фуқаролик ҳолатларини тасдиқлаш учун қабул қилинади”;

учинчи–олтинчи хатбошилар тегишлича олтинчи–тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

45-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“45. Битимни расмийлаштиришда Тизимга қуйидаги шахсларнинг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (кейинги ўринларда – ЖШ ШИР) киритилиши шарт:

Ўзбекистон Республикасининг биометрик паспортга ёки ID-картага эга бўлган фуқаролари;

Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига ёки ID-картага эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

ЖШ ШИР мавжуд бўлган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вактинча (доимий) яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

ЖШ ШИР мавжуд бўлган 16 ёшга тўлмаган фуқаролар.

16 ёшга тўлмаган фуқароларда ЖШ ШИР мавжуд бўлмаганда Тизимга уларнинг туғилганлик ҳақида гувоҳномасининг серияси ва рақами киритилади.

Мазкур банд талаблари қонун хужжатларига мувофиқ яшаш гувоҳномасисиз ва доимий рўйхатга олинмаган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан кўчмас мулк сотиб олиш хуқуқига эга бўлган чет эл фуқароларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Юридик шахснинг СТИРи Тизимга киритилиши шарт”;

б) 2-иловада:

12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“12. Нотариус битимни расмийлаштиришни сўраб мурожаат қилувчиларнинг (уларнинг қонуний вакилларининг, шунингдек васий ва ҳомийларининг) ва юридик шахс вакилларининг шахсини аниқлайди.

Битимни амалга оширишни сўраб мурожаат қилувчиларнинг шахси қуйидаги хужжатларга асосан аниқланади:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти, ҳайдовчилик гувоҳномаси, ID-картаси;

16 ёшга тўлмаган фуқаролар – туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;

ҳарбий хизматчилар – ҳарбий қисмлар ва ҳарбий муассасалар қўмондонлиги томонидан бериладиган шахсий гувоҳномалар ёки ҳарбий билетлар ёхуд ID-карталар (ҳарбий хизматга мажбур фуқароларнинг ҳарбий билети бундан мустасно);

чет эл фуқаролари – уларнинг миллий паспорти (қонун хужжатларига мувофиқ чет эл фуқаролари тегишли ички ишлар органлари томонидан рўйхатга олиниши лозим) ёки Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси, ID-картаси ёхуд дипломатик паспорти ёки Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилингандигини тасдиқловчи аккредитация карточкаси;

хорижда доимий яшаётган ва консулий рўйхатида турган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспорти;

фуқаролиги бўлмаган шахслар учун – Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёки ID-карта.

Автомототранспорт воситасини бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги битимни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқаронинг шахсини ҳамда юридик шахснинг хуқуқ лаёқатини аниқлашда нотариус тегишли ахборот ресурсларидан фойдаланади”;

16-банд иккинчи хатбошиси қуийдаги таҳрирда баён этилсин:

“Вакилнинг ваколати унинг номига берилган ишончнома ва (ёки) ваколатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар (қарор, умумий мажлис баённомаси, кузатув кенгашининг қарори, буйруқ ва ҳ.к.) билан тасдиқланади. Бунда ваколат берувчи жисмоний шахсларнинг ўлим ҳақида далолатнома ёзуви қайд этилмаганлиги “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали текширилиб, Тизим орқали чоп этилади ва хужжатлар йиғмажилдиға тикилади”;

20-банд қуийдаги таҳрирда баён этилсин:

“20. Нотариус томонидан битим тасдиқлангунга қадар автомототранспорт воситалари экстерриториаллик тамойили асосида исталган жойдаги (сотиб олувчининг танловига кўра) ДИХХХ органларида агрегатлар рақамлари рўйхатдан ўтказиш рақамларига мувофиқлиги юзасидан кўздан кечирилиши керак. Агрегатлар рақамларининг рўйхатдан ўтказиш рақамларига мувофиқлиги уни кўздан кечирган мансабдор шахснинг фамилияси ҳамда исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари, кўздан кечирилган сана кўрсатилган ва мансабдор шахс имзоси қўйилган ҳолда рўйхатдан ўтказиш хужжатидаги штамп ёки маълумотнома билан тасдиқланади.

Нотариус томонидан мулк ҳукуқини тасдиқловчи хужжатлар талаб қилиб олиниб ўрганилгандан сўнг, идоралараро электрон ҳамкорлик йўли билан автоматик тарзда МИБ маълумотлар базаси орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг ижро хужжатлари бўйича қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномалар олинади. Бунда текшириш ўтказилган сана ва вақти кўрсатилган ҳамда маҳсус QR-кодга эга бўлган текшириш натижалари тўғрисидаги кўчирма чоп этилади ва тегишли хужжатлар йиғмажилди билан бирга тикилади”;

24-бандда:

қуйидаги мазмундаги учинчи–бешинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Битим тарафларининг ўлим ҳақида далолатнома ёзуви қайд этилмаганлиги, эри ёки хотини йўқлиги ҳақидаги маълумотлар, туғилганлик, никоҳ тузилганлиги, никоҳдан ажралганлик ва ўлим ҳақидаги фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари билан боғлиқ барча маълумотлар нотариал идоралар томонидан мустақил равишда, фуқаролардан ортиқча маълумот талаб қиласдан, “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали олинади.

Электрон тизимларда техник носозликлар бўлганда, ушбу ташкилотлар билан ахборот алмашуви куръерлик хизмат орқали амалга оширилади.

Агар мурожаат қилувчи томонидан туғилганлик, никоҳ тузилганлиги, никоҳдан ажралганлик ва ўлим ҳақидаги гувоҳномалар тақдим этилса, ушбу ҳужжатлар ҳам мурожаат қилувчининг фуқаролик ҳолатларини тасдиқлаш учун қабул қилинади”;

учинчи–бешинчи хатбошилар тегишлича олтинчи–саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

33-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“33. Битимни расмийлаштиришда Тизимга қуйидаги шахсларнинг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (кейинги ўринларда – ЖШ ШИР) киритилиши шарт:

Ўзбекистон Республикасининг биометрик паспортга ёки ID-картага эга бўлган фуқаролари;

Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига ёки ID-картага эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

ЖШ ШИР мавжуд бўлган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча (доимий) яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

ЖШ ШИР мавжуд бўлган 16 ёшга тўлмаган фуқаролар.

16 ёшга тўлмаган фуқароларда ЖШ ШИР мавжуд бўлмаганда Тизимга уларнинг туғилганлик ҳақида гувоҳномасининг серияси ва рақами киритилади.

Юридик шахснинг СТИРи Тизимга киритилиши шарт”;

в) 3-иловада:

12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“12. Нотариус шартномани расмийлаштиришни сўраб мурожаат қилувчиларнинг (уларнинг қонуний вакилларининг, шунингдек васий ва ҳомийларининг) ва юридик шахс вакилларининг шахсини аниқлайди.

Шартномани расмийлаштиришни сўраб мурожаат қилувчиларнинг шахси қуйидаги ҳужжатларга асосан аниқланади:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти, ҳайдовчилик гувоҳномаси, ID-картаси;

16 ёшга тўлмаган фуқаролар – туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома; ҳарбий хизматчилар – ҳарбий қисмлар ва ҳарбий муассасалар қўмондонлиги томонидан бериладиган шахсий гувоҳномалар ёки ҳарбий билетлар ёхуд ID-карталар (ҳарбий хизматга мажбур фуқароларнинг ҳарбий билети бундан мустасно);

чет эл фуқаролари – уларнинг миллий паспорти (қонун ҳужжатларига мувофиқ чет эл фуқаролари тегишли ички ишлар органлари томонидан рўйхатга олиниши лозим) ёки Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси, ID-картаси ёхуд дипломатик паспорти ёки Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинганинг тасдиқловчи аккредитация карточкаси;

хорижда доимий яшаётган ва консуликтурган рўйхатида турган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиши биометрик паспорти;

фуқаролиги бўлмаган шахслар учун – Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёки ID-карта.

Шартномани расмийлаштиришни сўраб мурожаат қилган фуқаронинг шахсини ҳамда юридик шахснинг ҳукуқ лаёқатини аниқлашда нотариус тегишли ахборот ресурсларидан фойдаланади”;

16-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Вакилнинг ваколати унинг номига берилган ишончнома ва (ёки) ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар (қарор, умумий мажлис баённомаси, кузатув кенгашининг қарори, буйруқ ва ҳ.к.) билан тасдиқланади. Бунда ваколат берувчи жисмоний шахсларнинг ўлим ҳақида далолатнома ёзуви қайд этилмаганлиги “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали текширилиб, Тизим орқали чоп этилади ва ҳужжатлар йигмажилди тикилади”;

19-банднинг ўн иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Нотариус томонидан мулк ҳукуқини тасдиқловчи ҳужжатлар талаб қилиб олиниб ўрганилгандан сўнг, идоралараро электрон ҳамкорлик йўли билан автоматик тарзда МИБ маълумотлар базаси орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг ижро ҳужжатлари бўйича қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномалар олинади. Бунда, текшириш ўтказилган сана ва вақти кўрсатилган ҳамда маҳсус QR-кодга эга бўлган текшириш натижалари тўғрисидаги кўчирма чоп этилади ва тегишли ҳужжатлар йигмажилди билан бирга тикилади”;

29-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“29. Шартномани расмийлаштиришда Тизимга қуйидаги шахсларнинг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (кейинги ўринларда – ЖШШ ШИР) киритилиши шарт:

Ўзбекистон Республикасининг биометрик паспортга ёки ID-картага эга бўлган фуқаролари;

Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига ёки ID-картага эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

ЖШ ШИР мавжуд бўлган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вактинча (доимий) яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

ЖШ ШИР мавжуд бўлган 16 ёшга тўлмаган фуқаролар.

16 ёшга тўлмаган фуқароларда ЖШ ШИР мавжуд бўлмагандан Тизимга уларнинг туғилганлик ҳақида гувоҳномасининг серияси ва рақами киритилади.

Мазкур банд талаблари қонун хужжатларига мувофиқ яшаш гувоҳномасисиз ва доимий пропискасиз Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан кўчмас мулк сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган чет эл фуқароларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Юридик шахснинг СТИРи Тизимга киритилиши шарт”;

г) 4-иловада:

10-банднинг учинчи хатбошиси қўйидаги таҳтирида баён этилсин:

“тасарруф этиш (олди-сотди, ҳадя килиш, айрибошлиш, лизинг, ижара, текин фойдаланишга бериш, гаров (ипотека)га қўйиш, мол-мулкни бошқа шаклда ўзгага ўтказиш (тасарруф этиш) ҳақида битимларни тузиш) ҳуқуки билан бериладиган ишончномани тасдиқлашда кўчмас мулк ва транспорт воситаларига нисбатан тақиқ (хатлов) мавжуд бўлса, бундан тасарруф этиш ҳуқуқисиз ишончномаларни тасдиқлаш мустасно”;

12-банд қўйидаги таҳтирида баён этилсин:

“12. Нотариус мурожаат қилувчиларнинг (уларнинг қонуний вакилларининг, шунингдек васий ва ҳомийларининг) ва юридик шахс вакилларининг шахсини аниқлайди.

Мурожаат қилувчиларнинг шахси қўйидаги хужжатларга асосан аниқланади:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти, ҳайдовчилик гувоҳномаси, ID-картаси;

16 ёшга тўлмаган фуқароларнинг шахси – туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;

ҳарбий хизматчилар – ҳарбий қисмлар ва ҳарбий муассасалар қўмондонлиги томонидан бериладиган шахсий гувоҳномалар ёки ҳарбий билетлар ёхуд ID-карталар (ҳарбий хизматга мажбур фуқароларнинг ҳарбий билети бундан мустасно);

чет эл фуқаролари – уларнинг миллий паспорти (қонун хужжатларига мувофиқ чет эл фуқаролари тегишли ички ишлар органлари томонидан рўйхатга олиниши лозим) ёки Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси, ID-картаси

ёхуд дипломатик паспорти ёки Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинганини тасдиқловчи аккредитация карточкаси;

хорижда доимий яшайтган ва консуллик рўйхатида турган Ўзбекистон фуқароларининг шахси – Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспорти;

фуқаролиги бўлмаган шахслар учун – Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёки ID-карта.

Мурожаат қилувчи фуқаронинг шахсини ҳамда юридик шахснинг хуқук лаёқатини аниқлашда ногариус тегишли ахборот ресурсларидан фойдаланади”;

19-банднинг тўртинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ногариус томонидан тегишли маълумотларга аниқлик киритилгандан сўнг, идораларо электрон ҳамкорлик йўли билан автоматик тарзда МИБ маълумотлар базаси орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг ижро хужжатлари бўйича қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномалар олинади. Бунда, текшириш ўtkазилган сана ва вақти кўрсатилган ҳамда маҳсус QR-кодга эга бўлган текшириш натижалари тўғрисидаги кўчирма чоп этилади ва тегишли хужжатлар йиғмажилди билан бирга тикилади”;

27-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Бошқа шахсга ўтказиш йўли билан берилган ишончноманинг амал қилиш муддати асосий ишончноманинг амал қилиш муддатидан ошмаслиги керак. Бунда ваколат берувчи жисмоний шахсларнинг ўлим ҳақида далолатнома ёзуви қайд этилмаганлиги “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали текширилиб, Тизим орқали чоп этилади ва хужжатлар йиғмажилдига тикилади”;

32-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“32. Ишончномани расмийлаштиришда Тизимга қўйидаги шахсларнинг жисмоний шахснинг шахсий идентификация раками (кейинги ўринларда – ЖШ ШИР) киритилиши шарт:

Ўзбекистон Республикасининг биометрик паспортга ёки ID-картага эга бўлган фуқаролари;

Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига ёки ID-картага эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

ЖШ ШИР мавжуд бўлган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча (доимий) яшайтган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

ЖШ ШИР мавжуд бўлган 16 ёшга тўлмаган фуқаролар.

16 ёшга тўлмаган фуқароларда ЖШ ШИР мавжуд бўлмаганда Тизимга уларнинг туғилганлик ҳақида гувоҳномасининг серияси ва раками киритилади.

Мазкур банд талаблари қонун хужжатларига мувофиқ яшаш гувоҳномасисиз ва доимий рўйхатга олинмаган Ўзбекистон Республикаси

худудидан кўчмас мулк сотиб олиш ҳукуқига эга бўлган чет эл фуқароларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Юридик шахснинг СТИРи Тизимга киритилиши шарт”;

46-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Нотариус ишончномани тасдиқлашни рад этганда тўланган давлат божи, герб йиғими ҳамда ҳукукий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ундирилган тўловлар қайтариб берилади”;

д) 5-иловада:

14-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“14. Мурожаат қилувчиларнинг шахси қўйидаги хужжатларга асосан аниқланади:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти, ҳайдовчилик гувоҳномаси, ID-картаси;

16 ёшга тўлмаган фуқароларнинг шахси – туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;

ҳарбий хизматчилар – ҳарбий қисмлар ва ҳарбий муассасалар қўмондонлиги томонидан бериладиган шахсий гувоҳномалар ёки ҳарбий билетлар ёхуд ID-карталар (ҳарбий хизматга мажбур фуқароларнинг ҳарбий билети бундан мустасно);

чет эл фуқаролари – уларнинг миллий паспорти (қонун хужжатларига мувофиқ чет эл фуқаролари тегишли ички ишлар органлари томонидан рўйхатга олинниши лозим) ёки Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси, ID-картаси ёхуд дипломатик паспорти ёки Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилингандигини тасдиқловчи аккредитация карточкаси;

хорижда доимий яшаётган ва консуллик рўйхатида турган Ўзбекистон фуқароларининг шахси – Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспорти;

фуқаролиги бўлмаган шахслар учун – Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёки ID-карта.

Мурожаат қилувчи фуқаронинг шахсини ҳамда юридик шахснинг ҳукуқ лаёқатини аниқлашда нотариус тегишли ахборот ресурсларидан фойдаланади”;

17-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Вакилнинг ваколати унинг номига берилган ишончнома билан тасдиқланади. Бунда ваколат берувчи жисмоний шахсларнинг ўлим ҳақида далолатнома ёзуви қайд этилмаганлиги “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали текширилиб, Тизим орқали чоп этилади ва хужжатлар йиғмажилдига тикилади”;

23-банднинг олтинчи хатбошиси иккинчи жумласи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Меросдан воз кечиш ҳақидаги аризалар нотариал тасдиқланиши лозим”;

29-бандда:

қуйидаги таҳирдаги саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Мазкур банднинг бешинчи – еттинчи хатбошиларида кўрсатилган фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари билан боғлиқ маълумотларни тақдим этиш имкони бўлмаган тақдирда, ушбу маълумотлар нотариал идоралар томонидан мустақил равища, “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали олиниши мумкин.

Электрон тизимларда техник носозликлар бўлганда, ушбу ташкилотлар билан ахборот алмашгуви куръерлик хизмат орқали амалга оширилади”;

саккизинчи–тўққизинчи хатбошилар тегишлича ўнинчи–ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансан;

39-банд қуйидаги таҳирда баён этилсин:

“39. Гувоҳнома беришда Тизимга куйидаги шахсларнинг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (кейинги ўринларда – ЖШ ШИР) киритилиши шарт:

Ўзбекистон Республикасининг биометрик паспортга ёки ID-картага эга бўлган фуқаролари;

Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига ёки ID-картага эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

ЖШ ШИР мавжуд бўлган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча (доимий) яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

ЖШ ШИР мавжуд бўлган 16 ёшга тўлмаган фуқаролар.

16 ёшга тўлмаган фуқароларда ЖШ ШИР мавжуд бўлмагандан Тизимга уларнинг туғилганлик ҳақида гувоҳномасининг серияси ва рақами киритилади.

Мазкур банд талаблари қонун ҳужжатларига мувофиқ яшаш гувоҳномасисиз ва доимий рўйхатга олинмасдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан кўчмас мулк сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган чет эл фуқароларига нисбатан татбиқ этилмайди”;

48-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсан:

“Нотариус гувоҳнома беришни рад этганда тўланган давлат божи, герб йигими ҳамда ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ундирилган тўловлар қайтариб берилади”.

